

## **Жамиятнинг молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, жамият фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, жамият ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рафбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Ижро этувчи органнинг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай үйғуналиқда) бўлса, бу ижро этувчи орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

Жамият томонидан даромадларни янада ошириш, аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиш, қўшимча жойларни ташкил этиш ва бошқа вазифаларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш йўлга қўйилиши мумкин.

Жамиятнинг белгиланган фаолиятида соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва юртбошимизнинг маъruzalariда кўтарилиган масалаларни бажаришга асосий эътибор қаратилади. Хусусан, барча ҳаётий масалалар бошқарув ижроия органининг кундалик режавий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, белгиланган тадбир ва қабул қилинган қарорлар асосида иш олиб борилади.

Жамиятнинг истиқболли режаларида асосий эътиборни бутун куч ва бор имкониятларни биринчи навбатда белгиланган режаларни ошириб бажарилишига, шунингдек асоссиз харажатларни вужудга келмаслигига қаратилади. Жумладан, бу тадбирларда жамиятимиздаги мавжуд камчиликларни ва нуқсонларни ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, олинган даромадларни тўғри шаклланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш, жой ҳақи ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлаш каби ишлар режаси белгиланди ва амалий ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятнинг ҳар бир ишчи ходимлари ва ижроия органи ходимлари белгиланган прогноз режаларни бажарилишида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар доирасида ўз иш фаолиятини белгилашлари лозим.

Жамият иқтисодий холатини назорат қилиш белгиланган тартибда жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади, шу жумладан, ҳар чорақда ижро органининг ҳисоботларини тинглаш, прогнозларнинг бажарилмаслик ҳолатлари аниқланганда, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Қонунга мувофиқ, кузатув кенгаши жамият фаолиятида қўпол қоида бўзарликлар аниқланганда ёки йиллик бизнес-режанинг параметрлари бажарилмаганда жамият ижроия органи раҳбари-директор билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга ҳақлидир.